СССР Давлат китоб палатаси
Инв. №
4 МАЙ 1983

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 100 (18.577). • Якшанба, 1983 йил 1 май • Баҳоси 3 тийин.

УЙҒУН
Ўзбекистон ССР халқ шоири

ШОДЛИК ТАНТАНАСИ

Бугун Май байрами, меҳнат байрами,
Шодлик тантанаси жумла жаҳонда.
Алвон байроқларни баланд кўтариб,
Намойиш қилар халқ Қизил майдонда.

Тинчлик садолари фазони қоплар,
Қитъаларда борар улуғ намойиш.
Дунёни безаган меҳнат аҳлига
Ҳисобсиз тиллардан ёғилар олқиш.

Бугун оғизларда бирдамлик, дўстлик,
Қардошлик, ҳамкорлик муқаддас шиор
Суяги меҳнатда қотган инсонлар
Бир-бирига содиқ, бир-бирига ёр.

Дунёга тинчлигу инсонларга бахт
Тилашар ҳаётга ошиқ бўлганлар.
Бугун бош кўтарар зулмга қарши
Чет элда юраги қонга тўлганлар.

Бугун Май байрами, бугун намойиш,
Намойиш боради бутун жаҳонда.
Золимларга қарши, зулматга қарши
Кураш оловлари жўш урар қонда.

Намойиш боради урушқоқларни
Даҳшатларга солиб ларзага солиб.
Бугун чет элларда ёвни ёндирар
Синфий кураш ўти аланга олиб.

Намойиш боради жаҳонга жамол,
Инсонларга камол ато этгали.
Намойиш қилади меҳнаткаш башар
Олий мақсадига бориб етгали.

Намойиш боради барча оламда
Озодлик мадҳини баралла куйлаб.
Меҳнаткаш инсонлар куч, қудратини
Намойиш қилади қитъалар бўйлаб.

Чет элларда ҳануз тинчиган эмас
Уруш бошламоқчи бўлиб юрганлар.
Дунёни кул қилай, йўқ қилайин деб,
Атом бомбасини ушлаб турганлар,

Аммо, ниятига етолмас улар,
Тинчлик посбонлари постида ҳушёр!
Уруш оловидан сақланиб омон,
Дунёмизда мангу яшасин Баҳор.

Атом урушининг ҳолакатидан
Она Еримизни сақлайлик омон.
Инсоният давом этсин йўлида
Қадам ташлаб нурли келажак томон.

Гўзал Ермизни ҳеч вақт босмасин
Уруш булутининг мудҳиш соясн!
Инсонлар қўлида мунаввар машъал
Истиқбол йўлида Ленин ғояси!

АССАЛОМ, МАЙ!

Бугун Ер курраси бўйлаб яна бир байрам — жаҳон пролетариатининг интернационал айёми — бутун дунё меҳнаткашларининг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни, баҳор, бахт, шодлик байрами — 1 Май кириб келди.

Олам нурга тўлиб, одамлар яшариб бораётгандай. Негаки, меҳнатинг қадрли, ҳаётинг файзли, дилинг эса орзули. Шундай экан, мангу гўзаллик, ўктамликлар биз биландир.

Май байрамининг серёғду, фараҳли тонгида борлиққа, атрофга мафтункор нигоҳимизни ташлаймиз. Мардона ўлкамизнинг толеи баланд меҳнат, ижод аҳли учун бу кунги тантаналарнинг ўзгача гашти бор. Халқимиз, интернационал катта оиламиз, унинг тотув фарзандлари Ватанимиз қуч-қудратини, қардошлик дастурхонидаги турфа неъматларни қутлуғ зафарномалар, ҳали босилажак нурафшон манзиллар, битилажак бахтномалар баёзини бутун дунё халқларига баралла кўрсатиб турибдилар.

Инсоният меҳнат, ижод аҳлининг жанговар кучларига кўрик кунини тўқсон уч йилдан буён нишонламоқда. Мана бу кун ҳам ер юзининг барча меҳнаткашлари, шунингдек республикамизнинг меҳнат аҳли Тинчлик, Меҳнат ва Баҳор рамзи — қирмизи байроқлар, гуллар кўтариб, шаҳар ва қишлоқлар кўчаларига чиқадилар. Жонажон партиямиз қарор топган анъаналарга кўра ушбу байрам арафасида КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларини совет халқига, ер юзининг барча халқларига йўллади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ҲАР БИР ИШ ЖОЙИДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ, САМАРАДОРЛИГИНИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИНГИЗ!

ЗАРБДОРЛАРЧА ИШЛАШ — БИЗНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧИМИЗДИР.

КЎПМИЛЛАТЛИ УЛУҒ ВАТАНИМИЗ ЯНА ҲАМ КУЧЛИ, БОЙ ВА КЎРКАМ БЎЛАВЕРСИН!

Бахтини, иқтидорини, меҳнати ва ҳаётидан мамнунлик ғурурини, сурурини намойиш қилиш учун Қизил майдонларга алвон байроқлар кўтариб чиққан замондошларимизга назар ташланг-а. Ленин қуёши, иқбол қуёши, замин қуёши бир бўлиб, ҳаммаёқни мунаввар этган. Одамлар чеҳрасига боқинг-а. Май колонналарида масрурлик оғушида республикамизнинг шаҳдам одимлари, қўш қанотлари, суянч тоғлари, орзу-умидлари бўлган ишчи синфининг илғор вакиллари, миришкор деҳқонлар, илм-фан заҳматкашлари, қалам аҳли, зиёлилар, студентлар ўтиб бормоқдалар. Шундай. Республикамиз шаҳдам одим ташлаяпти. Барча пахта майдонларимизда чигит экиб бўлинди. Ғўза қатор ораларини ишлаш, озиқлантириш ишлари давом этяпти. Мўл ҳосил нишоналари деҳқонларнинг, заршуносларимизнинг ва халқимизнинг ардоғида. Чорвадорлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари ғайрат отига қамчи босдилар. Пиллачилар юртимизни ипак билан файзиёб қилиш ниятида ипак қурти парваришини бошлаб юбордилар.

Байрам колонналари сафида ўтиб бораётган замондошларимизга назар ташлаймиз. Уларнинг бири — саховатли она еримизнинг соҳибкорларидан Салой Худойқулиевдир. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати, 60 центнерчилик ташаббускори, пахтачилик сардори у. Бу сафларда бригада пудрати асосида ишлашга кўчиш ташаббускори, 70 центнерчи бригадир Холмўмин Сафаров, ингичка толали пахта ижодкори, гектаридан 74 центнердан ипак пахта олиб, рекорд қўйган Ҳасан Мухторовлар сафида оналик, пахтакорлик шарафига ёр бўлган қаҳрамон аёлларимиз Маҳкамой Ҳазратқулова, Адолат Рўзматова, Шарофат Дадабоеваларни ҳам учратамиз. Тўқимачилик комбинатининг ишчиси, СССР Олий Советининг депутати Дилбар Қулматова, 2508-автоколонна ишчиси Кимсанбой Ҳасанов, қурувчи, комсомол қизларнинг сардори Маҳбубахон Бозороваларнинг чеҳрасидаги байрам нашидасига ҳавасланиб термуламиз.

Барча совет кишилари қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам ўн биринчи беш йилликнинг асосий йилини катта мақсадлар билан бошладилар. Юзлаб ишлаб чиқариш коллективлари меҳнат унумдорлигини оширишга, иш самарадорлиги ва сифатини юксалтиришга бел боғлаганлар. 1983 йилимиз ўзининг алп қадамлари билан кезиб юрибди. Янги йўллар, янги кашфлар, зафарлар янги истиқболларга дебочаларни дафтарига ёзиб юрибди. Меҳнат кишилари, бунёдкор инсон қўли, шуури билан яратилаётган мўъжизалар, меҳнат қўшиқлари ёруғ тонглар, нурафшон кечалар, тароватли оқшомлар ажойиб ташаббускорлардан ҳикоялар сўзлайди бизга. Байрам тонгида намойишга чиққан ҳар бир азиз жон шуни ўйлайди, шунга ишонади.

Ўтган йилимиз мўъжизалар йили, ихтиролар, ижодлар йили бўлди. Мазкур йилимиз ҳам ана шундай эзгуликлар, улуғворликларнинг тамал тошини қўймоқда. Байрам колонналаридан ўтиб бораётган деҳқон юрагидан бир ҳаёл ўтади. Ўтган йили деҳқонларимиз тер тўкиб, олам-олам сийму зар олдилар. Бу йилги мумтоз меҳнат сўнггида ҳам 6.000.000 тонналик улкан хирмон турибди. Ҳазрати деҳқоннинг чеҳрасида табассум ўйнайди, у доҳий ҳайкали томон назар ташлайди-да, кўнгилдан ўтказади: «Сўзимизнинг устидан чиқамиз, она-Ватанга 6 миллион тонна «оқ олтин»ни етказиб берамиз!»

Байрам колонналари сафида бораётган қаҳрамон оналар юрагида буюк бир туйғу: биз фарзандларимизни эл, юрт иши учун садоқатли, жонкуяр қилиб тарбиялашга тайёрмиз. Аёл юрагини, она ўз ўғил-қизларига, юртига, элига бўлган севгисини қўйшга тенглайди ҳамиша. Шу қуёшнинг беланчагидан ўланлар, аллалар териб олишга интиқ яшайди оналар ҳамиша. Лекин солдат шинели ҳали супрага айланганча йўқ. Солдат милтиғи ўқланганча турибди. Уруш оловини ёқувчилар қўлида гугурт чўпини ўйнамоқда. Уруш хавфи дегани бу.

Сафларда ўтиб бораётган оталар кўнглида шукроналик туйғуси. Лекин байрам салютлари нимаданидир ёдга солади. Тинчлик салютлари янграса майли. Уруш бомбалари портламасин.

Қизил майдондан ўтиб бораётган уруш ветеранлари кўксида нишондорлик медаллари ярақлайди. Бу азиз сийналарга ўқлар қадалмасин: пинҳона кўнгилдан ўтказади оналар. Ҳа, бу азиз сийналарда нуқул ширин орзулар яшасин, изтироб қайғулари нуратмасин уларни. Дунёда тинчлик бўлсин.

Юртимиз тинчлик посбони. Шундай бўлиб келган, шундай бўлиб қолади ҳам. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил 1 Май Чақириқларида шундай дейилган:

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ! ИМПЕРИАЛИЗМ, МИЛИТАРИЗМ ВА РЕВАНШИЗМНИНГ АГРЕССИВ КИРДИКОРЛАРИГА ҚАТЪИЙ ЗАРБА БЕРИНГИЗ!

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИНИ ЖИЛОВЛАЙЛИК, УРУШ ХАВФИНИ БАРТАРАФ ЭТАЙЛИК, КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШНИ ҚАТТИҚ ТУРИБ ҲИМОЯ ҚИЛИБ ҚОЛАЙЛИК ВА ЧУҚУРЛАШТИРАЙЛИК!

БУТУН ПЛАНЕТА ХАЛҚЛАРИ! ЯДРО ҲАЛОКАТИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН КУРАШДА КУЧ-ҒАЙРАТИНГИЗНИ КЎПАЙТИРИНГИЗ!

ЯДРО, НЕЙТРОН ВА ХИМИЯ ҚУРОЛЛАРИНИ ТАҚИҚЛАШНИ ТАЛАБ ҚИЛИНГИЗ!

ЖАҲОНГА ТИНЧЛИК!

Бахтнинг, тинчликнинг, шодликнинг таърифи асло тугамайди. Файзли, обод, тўкин дастурхонлар атрофида хонадонларда, лолалар гулхани ёнаётган қирлар, адирларда байрам шодиёналари давом этаверади.

Яшасин 1 Май—меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни!

Баҳор ва бахт байрамида гулгун чеҳралар, Чунки, меҳнат билан ошно ЗАФАРЛАР...

В. Молгачёв фотоси.

РЕВОЛЮЦИЯ ЙЎЛБОШЧИСИГА

ПИСКЕНТ (Тошкент области), 30 апрель (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин ҳайкали тантанали равишда очилди. Бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан кишилар жаҳон пролетариати йўлбошчисининг ўлмас ғоялари ва ишига, коммунистларнинг Ленин партиясига содиқ бўлишга, Ватан бойлиги ва қудратини фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлашга сўз бердилар. Улуғвор монумент пойига гуллар қўйилди.

Ҳайкал авторлари — ҳайкалтарош И. И. Кленицкий ва архитектор А. А. Мухамедшиндир.

«ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

21 апрелда академик Н. Н. Блохин раислигида «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари комитетининг мажлиси бўлиб ўтди.

Комитет 1980—1982 йиллар учун Халқаро Ленин мукофотларини бериш тўғрисида тушган таклифларни кўриб чиқди ва шу масала юзасидан қарор қабул қилди.

(ТАСС).

«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари комитетининг қарори

1980—1982 ЙИЛЛАР УЧУН ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашдаги ғоят катта хизматлари учун қуйидагиларга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти берилсин:

Микис ТЕОДОРАКИСга — композитор, жамоат арбоби (Греция);

Либер СЕРЕНЬИга — сиёсат ва жамоат арбоби (Уругвай);

Маҳмуд ДАРВИШга — шоир, жамоат арбоби (Фалластин);

Жон МОРГАНга — пастор, жамоат арбоби (Канада).

Комитет раиси **Н. Н. Блохин** (СССР);

Комитет аъзолари: **Г. В. Александров** (СССР), **Аруна Асаф Али** (Ҳиндистон), **Эрве Базен** (Франция), **Мирьям Вире-Туоминен** (Финляндия), **Ренато Гуттузо** (Италия), **Анна Зегерс** (ГДР), **Сойло Маринельо** (Куба), **Жеймс Олдриж** (Буюк Британия), **Яннис Рицос** (Греция), **Нгуен Тхи Бинь** (ВСР), **Н. В. Томский** (СССР), **Юзеф Циранкевич** (ПХР), **А. Б. Чаковский** (СССР).

Микис ТЕОДОРАКИС

Либер СЕРЕНЬИ

Маҳмуд ДАРВИШ

Жон МОРГАН

ДЎСТОНА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 29 апрелда Кремлда Кобулдан келаётиб Москвада тўхтаб ўтган ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПБИП Марказий Комитети секретари М. Милевский билан учрашди.

А. А. Громико ва М. Милевский Совет — Польша ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга доир баъзи масалалар юзасидан фикрлашиб олишди. СССР билан ПХР, КПСС билан ПБИП ўртасида марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принципларига асосланган муносабатларнинг ҳар томонлама ривожланиши ҳар иккала мамлакат халқларининг ҳаётий манфаатларига тамомила мос бўлиб тушади, деб қайд этилди. Шу муносабат билан ҳар икки томон ўзаро муносабатларнинг мустаҳкам пойдевори, Европада чегаралар ва урушдан кейинги тузилиш мустаҳкамлигининг муҳим омили сифатида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет — Польша шартномасининг аҳамиятини таъкидлаб ўтишди.

Польша томони ПХР Варшава шартномасининг ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг мустаҳкам бўғини эканлигини яна тасдиқлади. Совет томони социалистик Польша Совет Иттифоқининг мададига қатъий таяниши мумкинлигини маълум қилди. Ю. В. Андропов таъкидлаб ўтганидек, агрессив империалистик доираларнинг социализмни исканжага олиш ниятларига жавобан бирлигимизни, иқтисодий ва мудофаа қудратимизни янада мустаҳкамлашимиз керак.

Баъзи халқаро проблемалар хусусида ҳам фикрлашиб олинди. АҚШ милитаристик доиралари ва НАТОдаги иттифоқчилари ўтказаётган агрессив сиёсат натижасида кейинги вақтларда жаҳонда вазият ғоят кескинлашганлиги таъкидлаб ўтилди. Қуролланиш пойгасининг тобора кучайиши, АҚШ ҳамда бошқа империалистик давлатларнинг Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари ички ишларига рўй-рост аралашаётганлиги вазиятнинг кескинлашувига асосий сабаб бўлмоқда. АҚШнинг ўз янги ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштириш режалари ғоят хавфли бўлиб, кескинликнинг янада кучайишига ва ядро уруши хавфининг ўсишига олиб келган бўлур эди.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Прага Декларациясида илгари сурилган кенг қамровли ва шу билан бирга конкрет таклифлари Европада ва бутун дунёда тинчликни сақлаб қолишнинг самарали йўлини кўрсатиб беради.

Суҳбат самимий руҳда ўтди ва фикрлар бирлигини намойиш қилди.

(ТАСС).

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Сурхондарё областининг полизларида эртаги сабзавотни йиғиштириб олиш кучайтириб юборилди. Сурхондарё шаҳарлари аҳолисига ҳозирдаёқ карам, редиска, кўк пиёз сотилмоқда, шундай маҳсулотлар Тошкентга ҳам жўнатилди. Оренбургга ва Татаристон АССРга жўнатиш учун янги полиз маҳсулоти тайёрланмоқда. Яқин вақт ичида Москва, Ленинград, Уралнинг саноат марказлари, Сибирь, Узоқ Шарққа ҳам кўплаб эртаги карам жўнатилади. Ана шу жойларга бу йил ўтган йилдагидан анча кўп сабзавот юбориш ҳам мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

Коммунистлар! Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети май ва ноябрь Пленумларининг тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» КОНКУРСИГА

ХАЗИНА

Публицистика

ҚАДИМДАН қолган шундай ривоят бор: кунлардан бирида ҳаётнинг кўп паст-баландини кўрган кекса бир донишманддан сўрабдилар: «Сиз табаррук ёшдасиз. Турмушда яхшини ҳам, ёмонни ҳам кўрдингиз. Айтингчи, сиз бу ёруғ дунёга келиб, нимани топдингизу, нимани йўқотдингиз?».

Донишманд ўйлаб туриб, шундай жавоб қилибди: «Мен бу дунёда кўп нарсани кўрдим. Кўп нарса топдим ҳам, йўқотдим ҳам. Мен кўп молдунёга эга бўлдим, кўп молдунёни йўқотдим. Аммо молдавлатимни йўқотганим учун унчалик куюнмайман. Негаки, ўша бойликни ўзим топган эдим, ўзим йўқотдим. Қолаверса, агар мен ҳалол меҳнат қилсам, тағин бойлик топишим қийин эмас, деган хаёл ҳамиша менга тасалли бериб келди. Мен дунёга келиб, анча-мунча амалларга эришдим. Уларнинг кўпини йўқотдим ҳам. Бироқ, амал-мансабимни йўқотганим учун унчалик қуюнмайман. Негаки, ўша мансабга ўзим эришган эдим, ўзим йўқотдим. Қолаверса, агар мен яхши одам бўлсам, ҳалол меҳнат қилсам тағин мансабга эришишим мумкин, деган фикр ҳамиша менга тасалли бериб келди. Мен дунёга келиб, анча дўстлар орттирдим. Анчасидан айрилдим ҳам. Мен дўстларимдан айрилганимга унчалик азият чекмайман. Дўстларимни ўзим топган эдим, ўзим йўқотдим: бошимга мушкул иш тушганида кўп дўстларим мени ташлаб кетишди. Демак, улар менинг ҳақиқий дўстларим эмас эди. Қолаверса, агар мен яхши инсон бўлсам, ўзимга яхши дўст топишим мумкин, деган хаёл ҳамиша менга таскин бериб келди. Лекин мен дунёга келиб шундай бир бебаҳо хазинанни йўқотдимки, бунинг учун ўзимни ҳеч қачон кечира олмайман. Бу — менинг бекор ўтган дамларим, беҳуда ўтган кунларим, беҳуда исроф бўлган ойларим. Хуллас, умримнинг бекор ўтган бўлаги! Негаки, умрни менга табиат ато қилган эди. Мен эса, толе берган хазинанинг бир бўлагини ўз қўлим билан, ўз ихтиёрим билан совурдим. Мана шунинг учун ўзимни ҳеч қачон кечира олмайман. Энг ёмони шундаки, ўзимга ўзим таскин ҳам беролмайман. Йўқолган бойликни қайта топса бўлади, бироқ, йўқолган умрни қайтадан топиб бўладими! Ана шунисига, айниқса, чидолмайман!».

НАЧОРА, кекса донишманднинг сўзлари ҳақ-рост! Ажаб, одам учун ҳаётдан, умрдан қимматроқ нарса борми? Албатта, биз инсон учун энг улуғ неъмат табиат унга ато қилган умр эканини биламиз. Аммо билиб туриб, шу оддий ҳақиқатга амал қилмаймиз. Айтайлик, бир сўм ёки ўн сўм пулимизни йўқотиб қўйсак ачинамиз. Лекин бир соат ёки ўн соат вақтимиз бекор ўтса, яъни умримизнинг бир бўлаги беҳуда кетса, негадир парво қилмаймиз. Гўё биз абадий яшайдигандек, гўё ўзимизга берилган умр ўлчовли эмас, чексиз-чегарасиздек!

Бу кўҳна дунёдан не-не буюк инсонлар ўтмади. Улуғ шахсларнинг ҳаёт тарзига эътибор беринг. Ҳар бири ўзига берилган умр деб аталмиш бебаҳо хазинанинг ҳар бир онидан самарали фойдаланган. Бу билан ўз умрининг ўзини эмас, ўзгаларнинг ҳам ҳаёт хазинасини бойитиб ўтган. Инсониятнинг улуғ даҳоси В. И. Ленин бор-йўғи 54 йил яшади. 54 йил... Аслини олганда қадимий олам учун бир қиприк қоққулик фурсат, инсон ҳаёти учун ҳам қисқа, жуда қисқа муддат. Бироқ, Ленин эсини таниганидан бошлаб кўзи юмилгунча, энг мушкул дамларда ҳам ўзига берилган умрдан иложи борича самарали фойдаланди. Бутун оламни бахтиёр қиёфада кўриш учун курашди. Шу тариқа унинг қисқа умри абадиятга айланди. Буюк шоир Лермонтов бор-йўғи 27 йил яшади. 27 йил... Инсоф билан айтганда, шу ёшда дадасидан пул олиб (ўзи ишламаганидан кейин дадасидан оладди-да) умрини ресторану, қаҳвахоналарда ўтказадиган одамлар йўқми? Лермонтов эса, ўзига берилган қисқагина умрни шундай самарали ўтказдики, абадиятга қолди.

Биз жаҳондаги энг улкан мамлакатда яшаяпмиз. Беписанд қараганда бир минут нари борса ўн беш марта нафас олишга етади, холос. Лекин бу дақиқани Ватанимизда яшаётган 270 миллион жонга кўпайтириб кўрайлик. Бир минутда мамлакат миқёсида 21 минг квадрат метр газлама, 16 та телевизор ишлаб чиқарилади. Минглаб тонна нефть қазиб олинади, юзлаб тонна пўлат эритилади. Агар мамлакатимиздаги ҳар бир қурувчи бир минут бекор туриш ўрнига бино деворига биттадан ғишт қўйса, 207 та тўққиз қаватли бино қурилар экан. Агар шу уйларнинг ҳар бирида бола-чақа билан қўшиб ҳисоблаганда ўртача 400 киши истиқомат қилса, қарийб юз минг киши бошпаналик бўлур эди. Мана, ўша «арзимаган» бир минутнинг қудрати!

ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз кейинги пайтларда меҳнат интизоми, иш вақтидан унумли фойдаланиш тўғрисида жиддий тадбирлар белгилади. Бу — бежиз эмас. Ҳар қандай улуғ ишлар кичик ишлардан йиғилиб бунёд бўлганидек, ҳар бир меҳнат кишисининг ўз вазифасини сидқидилдан бажариши, иш вақтидан ҳалол, унумли фойдаланиши улкан натижалар беради.

Вақт ҳақида гап кетганда транспорт хизмати масаласига алоҳида тўхталиш керак. Кўпинча (ҳар куни десак ҳам муболаға бўлмайди) тонг саҳарда ғалати манзарани кўрасиз. Автобус ёки троллейбус бекати гавжум. Аммо киракаш автобусдан дарак йўқ. Орадан беш минут ўтади, ўн минут, йигирма минут... Ниҳоят ичига одам тиқилиб кетганидан бир томонга оғиброқ келаётган автобус кўринади. Аммо у бекатда тўхтамайди. Юз қадамча нарига бориб тормоз беради. Бекатда турганлар гувиллаб ўша томонга югуради. Автобуснинг вошиллаб очилган эшигидан беш-олти киши тушади. Яна беш-ўн нафар кучлироқ, «бахтлироқ» одамлар эшикка осилиб олади. Бир қўлида бир яшар, ёнида тўрт яшар боласи бор аёл ҳарсиллаб етиб келганда автобус кучаниб ўрнидан жилади-ю, юриб кетади. Ким ўша аёл? Бировнинг хотини, бировнинг келини, уч ёки тўрт боланинг онаси. Бунинг устига жамият тараққиётига ҳисса қўшаётган ижтимоий шахс. Ишчими ёки инженерми, тиқувчими ёки фан кандидатими — барибир ишга бориши керак. Ўз вақтида етиб бормаса, дакки ейди. Бироқ, бунинг учун у аввало бир боласини яслига, яна бирини боқчага топшириши керак. Уйи бир жойда, боқчаси бошқа жойда, ишхонаси яна бошқа жойда. Бунинг устига автобуснинг аҳволи бу.

Тўғри, транспорт соҳаси жуда мураккаб, катта хўжалик. Бир кун ёнилғи бўлмай қолиши мумкин, бир кун эҳтиёт қисм... Аммо бевосита транспортчиларнинг ўзига алоқадор бўлган муаммолар йўқми? Қайсидир слесарь тормоз колодкасини яхши ўрнатмаса, қайсидир ҳайдовчи маош кунининг эртасига маст бўлиб ишга келмаса, йўловчининг айби нима?

Чамаси, корхоналардаги, ташкилотлардаги ишчи-хизматчиларнинг меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун аввало транспортчиларнинг меҳнат интизомини тартибга солиш керак.

КУЧЧИЛИКНИНГ иш вақтини беҳуда ўтказишига сабаб бўлаётган тағин бир нарса — ортиқча мажлислар! Тўғри, кенгашли тўй — тўзимас, деган нақл бор. Мажлислар, йиғилишлар керак. Бироқ, баъзан беш минутда ҳал бўладиган муаммонинг муҳокамасига соатлаб вақт сарфлаймиз. Афсуски, бир вақтлар Маяковский киноя билан ҳажв қилган мажлисбозлик касали ҳамон тузалгани йўқ.

Тағин бир масала — қоғозбозлик муаммоси кўп, жуда кўп вақт олади. Айтайлик, шамоллаб қолдингиз. (тирик жон, ҳар кимнинг бошида бор савдо). Район поликлиникасига чиқасиз. Навбат кутиб врач қабулига кирасиз. Терапевт врачнинг ҳар бир беморни қабул қилиши учун 15 минут вақт ажратилган. Врач шўрлик сизни кўриши билан қоғоз тўлдиришга тушиб кетади. Гўё диссертация ёзаётган олимдек! Камида 10—12 минут қоғоз тўлдиришга кетади. Бир минут ечиниб-кийинишга, бир минут беморни кўришга, бир минут дори ёзишга! Тамом! Шифокорлар орасида машҳур ақида бор. Врач умуман касалликни эмас, хусусан, беморни, яъни одамни даволаши керак. Бу гап замирида чуқур ҳақиқат ётади. Оддий шамоллашдан тортиб, жиддий хасталикларгача бир хил касаллик икки кишида ҳеч қачон бир хил ўтмайди. Негаки, одам организми «ширпотреб» эмас, яъни шифокор аввало ҳар бир беморнинг қалбига йўл топиши шарт. Аммо бунга вақт қани? Асосий вақт қоғоз тўлдиришга кетади. Бунинг устига беморни ширин сўз билан, яхши маслаҳат билан кўнглини кўтарган, дори-дармонни тўғри тайинлаган врачдан кўра, қоғоз тўлдирган врач кўпроқ ишлаётгандек кўринади. Мана сизга қоғозбозликнинг «хосияти»!

Партия ва ҳукуматимиз маиший хизмат соҳасини яхшилашга катта эътибор бермоқда. Илгари ишчи ёки хизматчи қачон иш бошласа савдо ташкилотлари ҳам ўшанда бошларди. Сиз қачон ишни тугатсангиз, савдо ташкилотлари ҳам ўша соатда дўконни ёпар эди. Натижада такасалтанг чайковчиларнинг тегирмонига мўл-кўл сув қуйилар эди. Ҳозир ундай эмас. Савдо муассасалари, маиший хизмат корхоналарининг ишчи меҳнаткашларнинг бўш вақтига монанд тартибда ўзгартирилди. Бу — ўзининг яхши самараларини беряпти. Бироқ, бу соҳадаги хайрли ишларни яна ҳам такомиллаштирса бўлади. Корхоналар, муассасаларга фаслга мос кийим-кечаклар, камёб моллар иш соати тугаш арафасида олиб келинса, бунинг учун ҳафтанинг маълум кунлари белгилаб қўйилса, ишчи ёки хизматчилар олдиндан хабардор бўлса, кўнгилдагидек иш бўлур эди.

ИНСОН боласи хоҳлайдими, йўқми, умрининг сўнгги дақиқаларида ўз ҳаётини сарҳисоб қилади. Беҳуда, фойдасиз ўтган дамларига ачинади. Мана шу табиий изтироб камроқ бўлишининг оддий йўли бор. Биз фарзандларимизга жуда кичиналик пайтиданоқ вақтни тўғри тақсимлашни ўргатишимиз керак. Аларта, бола ўқиши, ота-онага кўмаклашиши, ўйнаб-кулиши керак. Аммо бўш дегани — бекор қолиш деган гапга айланиб қолмаслиги шарт. Бу масалада ота-она билан бирга мактаб педагогика коллективининг ҳам улуши салмоқли бўлса, зарар қилмас эди.

Модомики, ғалимизнинг муқаддимасини ривоят билан бошлаган эканмиз, якунини ҳам ривоят билан тугата қолайлик. Аслида, бу ривоят эмас, тарихий факт. Буюк аллома Абу Райҳон Беруний ўлим тўшагида ётганида ҳузурига шогирдларидан бири кирибди. Билибдики, устозининг саноқли дақиқалари қолган. У Берунийнинг кўнглини кўтарган бўлибди. Кутилмаганда устоз риқ (ҳуқуқшуносликка оид бир масалани шарҳлаб беришини сўрабди. Бу — анча чигал масала экан. Шогирд унинг қийналишини истамабди. «Аввал соғайиб олинг, кейин бир гап бўлар, ҳозир шу муаммони билишингиз шартми?», дебди. Беруний ҳазин кулибди. «Биламан, аҳволим оғир, аммо кетадиган бўлсам, шу нарсани билмасдан кетгандан кўра билиб кетганим яхши-да!», дебди. Шогирд Берунийнинг ҳузуридан чиқиб эллик қадам юрар-юрмас, чопар келиб аллома ҳаётдан кўз юмганини айтибди.

Баъзан ўйлаб қолади киши. Аслида-ку ҳаёт — инсонга берилган энг буюк неъмат. Биз-чи, ана шу бебаҳо хазинани — Вақт деган, Умр деган хазинани нимага шу қадар енгилтаклик билан ҳавога совурамиз? Нима учун?!

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ВЕТЕРАННИНГ ИБРАТИ

Республика «Госкомсельхозтехника»сига қарашли Тошкент тажриба-механика заводининг меҳнат ветерани, илғор токарь Юсуфжон Маҳмуджонов байрамолди меҳнат вахтасида ажойиб ютуққа эришди. Ҳамкасблари уни ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан олдин адо этганлиги билан муборакбод қилдилар.

Корхона коллективи Юсуфжон акани ўз ишининг моҳир устаси деб эъзозлайдилар. У ишлаган турли хил деталлар ўзининг сифати билан алоҳида ажралиб туради.

МУЛ-КУЛ ОЗУҚА

Тошлоқдаги Карл Маркс номли колхознинг коммунист Собир Мамазокиров бошлиқ озуқа тайёрлаш бригадаси катта муваффақиятга эришди. Бригада беш кун ичида сули, перко ва рапс экинлари ўримини поёнига етказди. 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнердан кўк поя ўриб олинди, 1,5 минг тонна сенаж тайёрланди. Озуқа экинларидан бўшаган майдонларга маккажўхори экилмоқда. Фарғона областининг Қува районидаги «Коммунизм» колхози ва бошқа хўжаликларда ҳам озуқа тайёрловчилар зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар.

ЭКИНЗОРЛАРГА СУВ

Ҳисор тизма тоғлари этакларида бунёд этилаётган Қизилсув сув омборида дастлабки 1 миллион кубометр обиҳаёт тўпланди.

Қурувчилар сув омбори қурилишини зарбдор объект деб эълон қилдилар. «Кашкадаряводстрой» трестининг механизаторлари тўғон бағрига яна чорак миллион кубометр тупроқ ётқизишлари, мингларча кубометр бетон ишларини бажаришлари, сув йўлларида барпо этилаётган иншоотларни тезроқ битказишлари керак. Улар бу йил 4 миллион кубометр сув тўплаш учун зарур шароит яратишлари лозим.

ШОЛИКОРЛАР ЮТУҒИ

Гагарин районидаги қўриқ «Искра» совхози деҳқонлари майдон социалистик мажбуриятларини бажардилар. Улар уч ҳафта мобайнида хўжаликнинг асосий экини — шоли экишни тугалладилар. Бу иш ўтган йилга қараганда анча қисқа муддатда бажарилди. Шоли экишда ёш тракторчилар Ҳусан Қурбонов, Ҳайит Дўстматовлар катта маҳорат кўрсатишди. Улар топшириқни 1,5—2 баравардан адо этдилар. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Саодат Элмуродова бошлиқ агроучастка коллективи эса мусобақада катта муваффақият қозонди.

ИШЧИ МИНБАРИ

ТОНГ СЕВИНЧЛАРИ

ИШЛАБ чиқариш суръатини тинимсиз ошириб бориш ва иш сифатини янада яхшилаш учун, аввало, меҳнат коллективларида юксак интизомни вужудга келтириш зарур, албатта. Бусиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бу ҳақда партиямиз Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қарорида ҳам шу руҳ, шу нафас баралла уфуриб турибди. Уларнинг ҳаммасини биз, саноатчилар, Қарши дашти чўлқуварлари жуда катта қизиқиш ва қунт билан ўқиб чиқдик, ўргандик.

Кўркам Май тонгида бу муҳим ҳужжатларнинг давримиз суръати учун нақадар ҳаётбахш эканлигини янада ёрқинроқ ҳис этиб турибмиз. Атрофингизга бир боқинг-а: дастгоҳ ёнида маҳсулот ишлаб чиқараётган, шаҳар ва посёлкалар қураётган, ернинг жавоҳир сандиқларини очаётган, электр станциялар нурини тарқатаётган минглаб баҳодирлар меҳнати кимни қувонтирмайди! Бу — уларнинг ёрқин режалари, орзу-умидлари, олий ҳис-туйғулари, қолаверса, юксак уюшқоқлиги-ю, онгли интизомидан ва етук маънавий қиёфасидан дарак эмасми!?

Дарҳақиқат, қаерда интизом бўлса, ўша ерда юксак меҳнат унумдорлигига эришилади, юқори сифат кўрсаткичлари қўлга киритилади. Корхонамиз ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари ишни ана шу талаблар асосида ташкил этдилар.

Заводимиз Қарши даштидаги дастлабки корхоналардан бири ҳисобланади. Унинг ишга туширилганига ўн йилдан ошди. Шу вақт ичида бу ерда катта ўзгаришлар содир бўлди. Корхона ишлаб чиқариши такомиллашди, маҳсулот тури кўпайди, сифат яхшиланди. Илк кезларда ишчи кучи етишмади. Кейинчалик, йил сайин ёшлар ҳисобига тўлиб борди. Эндиликда ўз касбини пухта эгаллаган тажрибали токарь, слесарь, моторист, электр симларни ўровчи, ремонтчи ва кранчилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Буни цех ва бригадалардаги унумли меҳнат жараёнларида яққол кўриш мумкин.

Ҳозир корхонамизда 400 га яқин киши самарали меҳнат қиляпти. Улар ишлаб чиқариш жараёнини янада тезлатиш, маҳсулот сифатини ошириш, тежамкорлик асосида ишлаш, ёш ишчилар тажрибасини бойитиш ва пировардида корхона ҳаётида катта ўзгаришлар ясаш йўлида қизғин кураш олиб боришяпти. Йўл қурилиши машиналарини ремонт қилиш цехи бригада бошлиғи Анатолий Каровин, механика цехи токари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Михаил Павлов, техника назорати бўлими ходими, Қарши шаҳар Советининг депутати Ранса Сурова, механика цехи ишчиси Габдулла Файзулин, шофёр Шавкат Мусикаев, электр цехи ишчиси Людмила Решетова ва бошқа ўнлаб ўртоқлар иши айниқса мақтовга молик. Айни пайтда заводимиздаги 38 коммунист, 40 ВЛКСМ аъзоси ўз ибрати билан умум иши манфаати йўлида барчани виждонан, ҳалол интизом ва уюшқоқлик билан ишлашга ундаяпти. Бу эса корхонада зиммага олинган план-топшириқлар ҳар гал барвақт бажарилишини таъминлаяпти.

Айни кунларда смена топшириқларимни 1,5-2 ҳиссага етказиб ado этмоқдаман. Бунинг сири — меҳнат интизомига қатъий риоя қилиб ишлаётганим эканлигини ҳамкасбларимга, айниқса, ёшларга муттасил уқтириб келаман. Қолаверса, корхонамизда жуда кўпчилик ишчи-хизматчилар вақтдан ўзиб ишлашга ҳаракат қилаётганини ҳам алоҳида таъкидлашим даркор.

Коллективларда меҳнат интизомини мустаҳкамлашда социалистик мусобақа ва мураббийлик ҳаракатининг аҳамияти беқиёсдир. Корхонамизда ўзаро уюшқоқлик билан ишлаш яхши натижалар бермоқда. Ғолиб чиққан меҳнат коллективлари кўчма Қизил байроқ, вимпел ва пул мукофотлари билан тақдирланяпти. Абдужалил Абдураупов раҳбар бўлган механика цехи коллективи майолди мусобақасида ғолиблиги учун корхона маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Бу эса ишчиларнинг меҳнатга бўлган қизиқиши, уюшқоқлиги ва интизомини тобора кучайтиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Мураббийлик ҳақида ҳам шундай илиқ сўзлар айтишим лозим. Йўл қурилиши машиналарини ремонт қилиш цехининг бригадири, кекса ишчи Анатолий Коровинни барча бирдек ҳурмат қилади. У бошлиқ бригада ремонтчилари белгиланган план-топшириқларини ҳамиша орттириб бажаради. Коммунист ишчининг ҳозир ўндан зиёд шогирди бор. Улар корхонамиз цехларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Яна шуни қувонч билан маълум қиламанки, Тинчлик, Меҳнат, Баҳт байрами арафасида 1985 йил ҳисобига ишга бошладим.

Галина РЕПИНА,
Қарши тажриба-ремонт механика заводи ишчиси, КПСС XXVI съезди делегати.

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитоновнинг «Меҳнаткашлар активлигини ривожлантириш, интизомни мустаҳкамлаш, иш усулини такомиллаштириш — партия ташкилотларининг муҳим вазифаларидир» деган мавзудаги доклади алоҳида китобча қилиб нашр этилди. 1983 йил 7—9 апрелда Тбилисида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясида ана шу доклад қилинган эди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўқувчиларга таълим бериш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида кўп йил самарали ишлаганлиги, жамоат ҳаётида актив қатнашганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Фарғона маиший хизмат техникуми директори ўртоқ Мажид **Абдуллаев**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар мудирлигининг қурувчи-инженери ўртоқ Альберт Николаевич **Бернацкийни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

БУЮК САНАГА БАҒИШЛАНДИ

В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг ўқув залида пролетариатнинг буюк доҳийси, илмий коммунизмнинг асосчиси Карл Маркс туғилганига 165 йил ва вафотига 100 йил тўлишига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Улуғ доҳий К. Маркснинг буюк назарий мероси, унинг тараққиётимиз учун аҳамияти атрофлича таҳлил қилинди.

Муҳим санага бағишланган йиғилиш қизиқарли ўтди.

Ю. ҲАМДАМОВ.

«Космос-1458» учирилди

1983 йил 28 апрель куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1458» учирилди.

Йўлдош ичига ўрнатилган илмий аппаратлар СССР халқ хўжалигининг турли тармоқлари ва халқаро ҳамкорлик манфаатларини кўзлаб Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Олинаётган маълумотлар ишлаш ва фойдаланиш учун давлат «Природа» илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш марказига юборилмоқда.

(ТАСС).

Нукус ип газлама комбинатининг филиали — Тўрткўл тўқимачилик фабрикаси ишга туширилди. Корхона йилига 11 минг метр газлама тўқиб чиқаради. Кенг ва ёруғ цехлар замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда асосан ёшлар меҳнат қилмоқдалар. Ҳунар-техника билим юртларида ҳамда Тошкент тўқимачилик комбинатида таҳсил олган йигит ва қизлар корхонада муваффақият билан иш бошладилар. Суратларда: (юқоридан). 1. Ойгул Раимова. Бу ёш ишчи Тошкент ҳунар-техника билим юртида ўқиб, тўқувчилик касбини пухта эгаллади. 2. Тўрткўлдаги янги тўқимачилик фабрикасининг кўриниши.

А. Крестьянинов фотолари.
(ЎзТАГ).

ХУШХАБАРЛАР

САМАРҚАНД ЧИННИСИ

● Чинни заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Иттифоқимиздагина эмас, чет элларда ҳам машҳур. Улар Ҳалқаро кўргазмаларда совринли ўринларга сазовор бўляпти. Байрам арафасида корхона хушхабар олди: «Узум» чинни буюмлари сервизи Чехословакиянинг Брно шаҳрида ўтказилган Халқаро кўрикда олтин медалга лойиқ топилди. Шунингдек, чиннисозлар шу йилнинг ўтган ойларида 2.749 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишди. Бу, планда кўрсатилганидан 28 минг сўм кўпдир.

Самарқанд чиннисозлари Тошкентнинг 2000 йиллигига ҳозирлаган совғалар ҳам мақтовга молик. Улар орасида рассом Фикрат Гуриев яратган «Тошкент-2000» сервизи оригиналлиги ва миллий безаклари билан алоҳида ажралиб туради.

А. АШУРОВ.

АЪЛО СИФАТЛИ ТОЛА

● Намангандаги 3/4 пахта тозалаш заводи область турдош корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Пахта тозаловчилар баҳор байрами — 1 Майни яхши кутиб олишди. Улар ўтган ойлар давомида пландан ташқари 400 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқардилар. Истеъмолчиларга жўнатилган пахта толасининг ҳаммаси аъло сифат билан қабул қилинди.

Социалистик мусобақада Қодирхон Абдурахмонов ва Неъматжон Абдуллаев бошлиқ бригадалар олдинда бормоқда.

Ш. НИШОНОВ.

КОРХОНА ФАХРИ

● Зуҳра Тўлагановани Янгийўл пойабзал фабрикасининг Сирдарё шаҳри филиалида барча ҳурмат қилади. У бу ҳурматга ишга бўлган ихлоси, баракали меҳнати ва ғоят хушмуомаладаги билан сазовор бўлган.

Кунлик нормаларини муттасил 1,5—2 ҳисса бажариб келаётган моҳир пойабзалчи меҳнат байрамини муносиб кутиб олди. У 1983 йилнинг иккинчи квартали планини барвақт адо этди. Пландаги 800 ўрнига 821 жуфт аъло сифатли болалар пойабзали тайёрлади.

Қ. ҲОЖИЕВ.

* * *

Худди шундай байрам хушхабарлари йўллаганлар орасида наманганлик **П. Бухоров**, қорақалпоғистонлик **Э. Ергалиев**, андижонлик **Р. Жуманиёзова, Ш. Ҳошимов** фарғоналик **У. Жабборов** ўртоқлар ҳам бор. Жамоатчи мухбиримиз **А. Ҳайдаров** республика Кўрлар жамияти Бухоро ишлаб чиқариш коллективи эришаётган ютуқлар ҳақида хабар берса, наманганлик қаламкаш **С. Кўчқоров** «Узглавводстройга қарашли Поп механизациялашган кўчма колоннанинг илғор скреперчиси Эркин Қодирназаров айни кунларда ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига иш бошлагаилиги тўғрисида завқ билан ҳикоя қилади.

КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИДА

ҚАҲРАМОНЛАР ТАСВИРИ

Республикамизда рассомлик санъати билан шуғулланиб, бир-биридан мароқли асарлар яратаётган ижодкорлар орасида Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Масалан, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Самиғ Абдуллаевни, унинг асарларини Ўзбекистондагина эмас, балки, бутун мамлакатимизда яхши билишади.

Самиғ Абдуллаевнинг дўстлари, қаламдошлари кўп. Буни куни кеча Туркистон Ҳарбий округи, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва республика Рассомлар союзи томонидан ташкил этилиб, Тошкентдаги Кўргазмалар уйида очилган навбатдаги янги санъат асарлари намойиши мисолида ёрқин кўриш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, кўргазма биринчи марта ташкил этилди. Унда қирқдан ортиқ муаллифнинг турли мавзудаги плакатлари, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат асарлари, тематик картиналари, портретлари бор.

Кўргазманинг мавзуи рангбаранг. Бу ерда Улуғ Ватан уруши фронтларида қаҳрамонлик кўрсатган совет кишиларининг жасоратини, тинч меҳнат қучоғида ташаббус кўрсатиб ишлаётган ажойиб замондошларимизнинг муваффақиятлари тасвирини, фронт ва меҳнат қаҳрамонларининг бир-биридан гўзал портретларини кўриш мумкин. Табиат манзараларини акс эттирган картиналар ва этюдлар ҳам санъат мухлисларини хурсанд этмоқда. Ҳарбий ватанпарварлик мавзуида ишланган қатор асарларда машҳур совет рассомларининг бутун дунёга маълум ишларининг илҳомбахш таъсирини кўриш мумкин.

Санъат мухлисларини қизиқтираётган ва уларнинг олқиш-эътирофига сазовор бўлаётган асарлар орасида С. Абдуллаевнинг «Дўстлик», Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими А. Винернинг «Фронтга кузатиш», В. Петровнинг «Сталинградликлар», «Зарбдор комсомол қурилишларида», И. Кочетовнинг «Пахтакор», Б. Шупакнинг «Милиционер жасорати», Ҳ. Раҳмоновнинг «Мактаб музейи», А. Луневнинг «Меҳмондўстлик» картиналари ва портретларини кўриш мумкин.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бўлган рассомларнинг биринчи республика кўргазмаси маданий ҳаётимизда ўзига хос воқеадир.

У. МУҲСИМОВА.

ТАЪЗИМ

Дунёда инсон саломатлигидан ҳам қимматлироқ нарса борми?! Сиҳат-саломатликдан путур кетса, айниқса, кўзингиз ёруғ жаҳонни кўрмай қолса, одамга ҳеч нарса татимас экан. Буни ўз бошимдан кечирдим.

Ёшим етмишда. Ўтган йили тўсатдан чап кўзим кўрмай қолди. Аввал Шаҳрисабз шаҳридаги шифохонага бордим. Улар Тошкент давлат медицина институтининг 2-клиникасига бориб даволанишни маслаҳат беришди. Бу ерда профессор Т. Ильина кўзимни операция қилди. Ёруғ жаҳонни қайта кўриш қандай катта бахт! Аммо қувончим кўпга бормади...

Бир куни Кўкдала районидаги пенсионер Т. Рўзиев билан учрашиб, суҳбатлашиб қолдик. У киши ҳам глаукома касталигига чалинган экан. - «Ҳамма нарса одамнинг ўзига боғлиқ. Мен мана, 20 йилдирки, Самарқанд шаҳридаги Ф. Хўжаев номидаги кўз касалликлари клиникасида профессор А. Юсупов маслаҳати билан даволаниб чап кўзимни касталикдан сақлаб юрибман. Ўнг кўзим эса кўрмайди», — деди суҳбатдошим.

Мен ҳам Самарқандга бориб профессор Азиз Юсупов билан учрашдим. «Иложи йўқ, чап кўзингизни даволаб бўлмайди. Аммо, ўнг кўзингизни сақлаймиз» деб у киши кўнглимни кўтарди, далда берди. 20 кун ўша ерда даволандим.

Фақат биргина шу шифохонада 80 га яниқ турли миллатга мансуб ёш ва кекса малакали муолажа олмоқда. Бундай саломатлик масканлари республикамизда, мамлакатимизда қанчадан қанча.

Қўлимга қалам олишга мажбур қилган нарса ҳам инсон ҳақида мамлакатимизда қилинаётган бемисл меҳрибонлик ва ғамхўрликдир. Чунки жонажон партия ва ҳукуматимиз кишиларнинг сиҳат-саломатлиги ҳақида доимо оталарча ғамхўрлик қилмоқда. Медицина хизмати эса бепул. Советлар диёри гражданларининг соғлиқларини сақлаш ҳуқуқи СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)да мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу баҳор ва бахт байрамида совет кишиларининг, айниқса, меҳнат ва уруш ветеранларининг даволаниши учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиб берган Коммунистик партия ва совет давлатига шукроналар айтамиз.

А. ОРЗИҚУЛОВ,
Шаҳрисабз шаҳар ветеранлар Совети раиси, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Термиз районидаги «Ғулбаҳор» совхозининг илғор бригада бошлиғи Тошмамат Уроловнинг қувончи чексиз. Унинг бригадасидаги ғўза ниҳоллари барқ уриб ўсяпти. Бригада азаматлари 55 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан ингичка толали «оқ олтин» етиштириш иштиёқида ғўзаларни меҳр билан ардоқлаб парвариш қиляптилар. Совхоз заршунослари 1300 гектар қўриқ ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олишган. Суратда: илғор бригада бошлиғи Т. Уролов.

И. Хўжаев фотоси. (ЎзТАГ).

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир меҳнат коллективида ижодкорлик, ўртоқларча ўзаро ёрдам, беш йилликни бажариш учун юксак масъулият вазиятини вужудга келтирингиз. Уюшқоқлик ва тартибни, онгли коммунистик интизомни мустаҳкамлангиз!

НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Чуст районидаги «Ғалаба» совхозида 18 минг бош ангор эчкиси боқиляпти. Совхоз чорвадорлари ҳар юз эчкидан 110 тадан улоқ олишга аҳд қилишган. Чўпонлик касбини шарафлаётган ёш чорвадор Инобат Тошматова бу кўрсаткични 135 тага етказиш мажбуриятини олган эди. 1 Май байрами арафасида у сўзининг устидан чиқди. Суратда: комсомол аъзоси И. Тошматова.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси. (ЎзТАГ).

МЕҲНАТ АҲЛИГА ҚУЛАЙЛИК

● Фарғона химикларининг ишчилар шаҳарчаси Қиргулида очилган янги савдо маркази харидорларга хизмат қила бошлади. Савдо марказининг фойдаланиладиган сахни қарийб 11 минг квадрат метрдир. Бу ерда «Болалар дунёси», ёшлар учун товарлар сотиладиган, махсус магазин, озиқ-овқат, нонбулка ва сабзавот бўлимлари, кафетерий, уйга элтиб бериш билан шуғулланадиган буюртмалар бўлими жойлашган. Бу — беш йиллик бошидан буён Фарғона областида қурилган 57-савдо марказидир.

● Элликқалъа қўриқ массивларини ўзлаштирувчиларининг район маркази аҳолиси квартираларига газ келди. Посёлкани газ қувурининг 22 километрли участкасини муддатидан илгари қуриб битказган «Ўзбекгазстрой» трестининг меҳнаткашлари газлаштирдилар. Шу беш йилликда райондаги барча хўжаликларни, шу жумладан Элликқалъадаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни табиий газ билан таъминлаш мўлжалланган.

Қардошлар ижодидан

Аждар ҒИЯСЛИ
(Боку)

ДЎСТЛИК ҚУШИҒИ

Одамзод дунёга келгандан бери
Яралди «муҳаббат», «дўстлик» сўзлари.
Дўстлик — алоқалар, ҳаётнинг боши,
Дўстлик — саодатнинг лорлоқ қуёши.

Дўстлик-ла юксалар бу кекса дунём,
Низомий, Фузулий, Навоий, Хайём!
Дўстлик-ла жўш урар орзу, илҳомим,
Самад Вурғун билан Ғафур Ғуломим.

Дўстлик асосидир шеърнинг, санъатнинг,
Бугунинг, эртанинг, абадиятнинг!
Дўстлик — бирлигимиз, тамал тошимиз:
Дўстлик — шодлигимиз, қайғудошимиз.

Дўстлик — бу элларнинг буюк неъмати,
Кўзнинг зиёсидир, қалбнинг қуввати.
Дўстлик — юксалишнинг бургут
парвози,
Ҳаёт гулшанининг баҳори, ёзи.

Унинг нияти пок, мақсади улуғ,
Йўллари нурафшон, қадами қутлуғ!
Дўстлик — келажакнинг ойдин йўлидир,
Она алласидир, она тилидир.

Дўстликда мислсиз кучу қудрат бор,
Рус, ўзбек, грузин, қозоқ биродар.-
Файзи ШОҲИСМОИЛ таржимаси.

●

Владислав ШОШИН
(Ленинград)

ФАРҒОНАДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Хуш қол! — дейман сенга ва, лекин,
Дилимда боз учрашмоқ ўйи.
Хуш қол! — дейман ўйчан ва секин
Кифтларингни қучганим кўйи.

Хуш қол! Севги бўлмагай унут —
Ёшликдаги у гўзал қўшиқ.
Хуш қол! Сенсиз умр кечмас бут,
Қўлларингдан олгум тафт ва ишқ.

Кутгали чиқ! Ишончинг оқлаб,
Қўшиқларда ардоқлай сени.
Кутгали чиқ! Тинчликни ёқлаб
Овозимга жўр этай сени.

Кутгали чиқ! — Ўтинчим шудир
Туман ичра тонг отгани он.
Кутгали чиқ! Куйлари масрур,
Бизга мушток Маргилон, Қўқон.

Малика МИРЗАЕВА
таржимаси.

●

Николай АЛТУХОВ
(Минск)

ЎЗБЕК КУЙЛАРИ

Оқшом чоғлари мен тинглагайман узоқ
Дилдан ҳузур қилиб ўзбек куйларин.
Оҳанг камалакдай товланиб ҳар чоқ,
Шуъла кўмади хонамни менинг.

Олис тунлараро эшитаман жим, —
Дўстларнинг қўшиғи роҳатдир дилга.
Ва, шу он туюлар: ҳатто қўёш ҳам
Менинг остонамни кўмади нурга.

Тўлдирар қалбимни чексиз қувончга
Олис кенгликлардан келган ҳарорат.
Беҳуда айтишган экан-да ,менга, —
Товушни элтар деб радио фақат.

Рустам ҒАНИЕВ
таржимаси.

ТИНЧЛИК УЧУН

«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотининг янги лауреатлари

Академик Н. БЛОХИН,
«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари комитетининг раиси

В. И. Ленин давлатимиз ташкил топган дастлабки кунлардаёқ унинг тащқи сиёсий фаолиятининг моҳиятини энг муҳими тинчликдир, деган сермазмун сўзлар билан белгилаб берган эди.

Совет давлати Лениннинг сулҳ тўғрисидаги Декрети билан ҳозир амалга оширилаётган 80-йилларга мўлжалланган Тинчлик программаси ўртасидаги тинч кечган, шунингдек урушлар билан ўтган ҳамма йилларда халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатини изчиллик билан оғишмай ўтказиб келди.

«Совет Иттифоқи, — деган эди ўртоқ Ю. В. Андропов, — ҳозирги ва келгуси авлодларга осойишта тинч келажакни таъминламоқ учун ўзига боғлиқ ҳамма ишларни қилаверади. Бу — сиёсатимизнинг мақсадидир ва биз ундан сира чекинмаймиз».

Дунё халқлари АҚШ ҳозирги маъмурияти ўтказиб келаётган қуролланиш пойгасини зўрайтиришни кўзловчи мислсиз ҳарбий программага жавобан урушга қарши оммавий намойишларни ўтказмоқдалар. Вақт кутиб турмаслигини миллион-миллион кишилар тобора яхшироқ тушуниб етмоқда. Пентагон ва НАТО ядровий қирғинчилик воситаларини ғоят кўпайтира бориб, дунёни янги, инсоният тарихида кўрилмаган вайронагарчилик уруши ёқасига келтириб қўймоқда. Кишилар ҳаётининг ўзи, планетамизнинг мавжудлиги ҳавф остида қолди. Уруш ўтини ёқувчиларни тўхтатиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланишни бошлаб юбориш учун барча халқлар бир ёқадан бош чиқаришлари, шошилинч чоралар кўришлари зарур.

Планетамизнинг энг яхши фарзандлари халқларнинг тинч келажаги учун курашчиларнинг олдинги сафларида бормоқда. «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти уларнинг хизматлари юксак даражада эътироф этилганлигини кўрсатади. Шу фахрий мукофотни СССР Олий Совети Президиуми бундан ўттиз йил муқаддам — империализм келтириб чиқарган «совуқ уруш» айни қизиган йилларда, АҚШ социалистик мамлакатларга нисбатан атом пўписасидан фойдаланмоқчи бўлган йилларда таъсис этганди.

Шу вақт ичида дунёнинг ўнлаб мамлакатида атоқли давлат, сиёсат ва жамоат арболари, миллий ҳоким ҳаракатларининг вакиллари, таниқли олимлар, ёзувчилар, дин арболари лауреат бўлдилар. Фредерик Жолио Кюри ва Пол Робсон, Луи Арагон ва Пабло Неруда, Жон Бернал ва Бертольт Брехт, Анжела Дэвис ва Фрида Браун каби номлар лауреатлар рўйҳатини безаб турибди.

Халқаро Ленин мукофотларининг совет ва чет эл жамоатчилиги таниқли намояндаларидан иборат комитети қарорига биноан композитор, жамоат арбоби Микис Теодоракис (Греция), сиёсат ва жамоат арбоби Либер Сереньи (Уругвай), шоир, жамоат арбоби Маҳмуд Дарвиш (Фаластин) ва пастор, жамоат арбоби Жон Морган (Канада) 1980—1982 йиллар учун мукофот лауреатлари номига сазовор бўлди.

Грециянинг таниқли композитори **Микис Теодоракис** — Греция тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг атоқли арбоби, тинчлик, демократия ва тараққиёт учун изчил ва муросасиз курашчидир. Унинг ҳаёти — халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик идеалларига фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин тимсолидир.

М. Теодоракис 1925 йилда туғилган. Музика таълимини Афина ва Париж консерваторияларида олган. Уй етти яшар йигитлик чоғидаёқ у Грецияни фашистлар Германияси оккупация этиб туришига қаршилик ҳаракатида актив қатнашган. Урушдан кейинги йилларда Греция ёшлар ҳаракатининг раҳбари, «Ламбракис демократик ёшлари» ташкилоти марказий кенгашининг раиси бўлди. Бирлашган демократик еўл партия «ЭДА»дан Греция парламенти депутатлигига сайланди.

1967 йилда давлат тўнтариши натижасида ҳарбий хунта ҳокимият тепасига келганидан сўнг М. Теодоракис турмага ташланди, сўнгра қамоқ лагерига юборилди, 1970 йилда эса мамлакатдан сургун қилинди.

У 1974 йил ҳарбий хунта ағдариб ташланганидан сўнг Грецияга қайтиб келиб, тараққийпарвар кучларнинг мамлакатни демократлаштириш учун курашида актив қатнашади.

М. Теодоракис Грецияда, шунингдек бу мамлакатдан ташқарида ўзининг музика ва жамоат фаолияти билан шуҳрат қозонган кишидир. У — парламент депутати. Грецияда урушга қарши ҳаракатнинг актив қатнашчиси бўлиб, Грециянинг НАТО блокидан чиқиши ва мамлакат территориясидаги чет эл ҳарбий базалари тугатилиши учун, Балканни ядросиз зонага ва Ўрта денгизни — тинчлик ва ҳамкорлик денгизига айлантириш учун, кескинликни юмшатиш ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш сиёсати учун курашмоқда. Унинг тинчлик учун курашдаги фаолияти халқаро кўламда эътироф этилган бўлиб, 1977 йилдан бери Жаҳон тинчлик кенгаши президиумининг аъзосидир.

Уругвайнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоби генерал **Либер Сереньи** Уругвай халқининг манфаатлари, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун изчил курашчидир. У 1916 йил Монтевидеода меҳнаткаш оилада туғилган. Ҳарбий билим юртини тугатгандан сўнг бир қанча командирлик лавозимларида бўлди. 1963 йилда генерал унвонини олиб, ҳарбий округ қўмондони бўлди. 1969 йилда ҳукмрон режимнинг халққа қарши репрессив сиёсатига норозилик билдириб, хизматда навбатдаги юксак унвонлардан воз кечиб, ўз ҳоҳиши билан истеъфога чиқди. Ўшандан бери ўз ҳаётини сиёсий фаолиятга тамомила бағишлаб келмоқда.

Л. Сереньи 1971 йилда Уругвай прогрессив кучлари бирлашмаси кенг фронтига бошчилик қилиб, сўл кучлар номидан президентликка номзод қилиб кўрсатилди. У меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш, Уругвай империализмга қарши мустақил сиёсат ўтказиши учун актив курашди.

1973 йилдаги реакцион давлат тўнтаришидан сўнг Л. Сереньи бир неча марта қамоққа олинди. 1978 йилда ҳарбий трибунал уни ўн тўрт йил қамоққа ҳукм қилди. Ҳозир у Монтевидеонинг марказий қамоқхонасида ётибди. Турманнинг даҳшатли шароити унинг руҳини буколмади. Л. Сереньи Уругвай ватанпарварларининг реакцияга қаршилик кўрсатиш рамзидир.

Тинчликсевар жамоатчилик Л. Сереньини озод этиш учун актив курашмоқда. 1981 йил Жаҳон тинчлик кенгашининг қарорига мувофиқ унга Ф. Жолио Кюри номидаги «Тинчлик олтин медали» берилганди. Л. Сереньининг 65 йиллиги муносабати билан 1981 йилнинг 6—13 декабрида Жаҳон тинчлик кенгашининг даъватига биноан уни озод этиш учун кураш халқаро ҳафталиги ўтказилди.

Маҳмуд Дарвиш Фаластиннинг энг катта тараққийпарвар шоирларидан бири ҳисобланади. У 1941 йилда Фаластинда туғилган. Исроил давлати тузилганидан сўнг Ҳайфа шаҳрида яшаган. Ижтимоий-сиёсий ва адабий фаолияти учун неча бор таъқиб этилган ва қамоққа олинган. 1970 йилда у Исроилдан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

М. Дарвиш ижоди фаластинлик араб халқининг маънавий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат Фаластин қаршилик ҳаракати учун М. Дарвиш адабий фаолиятининг аҳамиятини неча бор ошкора айтганди. М. Дарвишнинг «Қамалдаги Байрут» деган достони шуҳрат қозонди. Бу достон Фаластин Миллий кенгаши (парламенти)нинг Жазоирда бўлиб ўтган 16-сессияси мажлисида ўқиб эшиттирилди.

М. Дарвишнинг тинчликка даъват этувчи поэзияси бутун араблар дунёсида унга шуҳрат келтирди ва бошқа мамлакатларда машҳур бўлмоқда. ЮНЕСКОда унинг шеърлари антологиясини нашр этишга тайёрланмоқда. Шоир шеърларининг бир неча тўплами рус тилига таржима қилинган.

М. Дарвиш катта ижтимоий-сиёсий иш олиб бормоқда. У Фалтастин Миллий кенгашининг аъзоси, Фаластиннинг адабий-бадиий «Кармель» журнали редакторидир.

Пастор **Жон Морган** тинчлик учун изчил курашчидир. У 1918 йилда Американинг Нью-Олбани шаҳрида туғилган. 1959 йилдан бери муттасил Канадада яшаб келмоқда.

Ж. Морган Гарвард университетининг илоҳиёт мактабини битирган, маориф ва теология соҳасида илмий даражалари бор, шунингдек у инглиз адабиёти соҳасида филология доктори унвонига ҳам эга.

Ж. Морган Канадага келиши билан уруш ва тинчлик проблемаларини ўрганишга куч-ғайрат сарфлай бошлади. У шу тадқиқот ишини Канадада урушга қарши ҳаракатда актив қатнашиш билан қўшиб олиб бормоқда. 1972 йилда у Канада Тинчликни ҳимоя қилиш конгрессининг президенти қилиб сайланади ҳамда шу муҳим ва масъуляятли лавозимда ҳозирга қадар ишлаб келмоқда. Унинг актив иштирокида конгресс Канада урушга қарши ҳаракатнинг оммавий, таъсирчан кучига айланади. 1980 — 1982 йилларда конгресс «Тинчликни ҳимоя қилиш— ҳар бир кишининг ишидир» деган ҳитобномани тарқатиш кампаниясини ташкил этишда муҳим роль ўйнади. Шу ҳитобномага 150 мингдан кўп кишининг имзоси шунингдек мамлакатдаги кўпдан кўп жамоат ташкилотларининг имзолари тўпланди.

Ж. Морганнинг халқлар ўртасида дўстликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, ядро уруши хавф-хатарини тугатишга қаратилган изчил ва принципиал позицияси ҳозирги босқичда Канадада тинчликни ҳимоя қилиш конгресси фаолиятининг программасини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнади. Бу программа икки асосий йўналишни: Канада территориясида Америка қанотли ракеталарини синашга қарши кураш билан мамлакатни ядро қуролидан ҳоли зонага айлантириш кампаниясини ўз ичига олади.

Ж. Морганнинг тинчлик учун курашдаги актив ва кўп ёқлама фаолияти халқаро кўламда муносиб даражада эътироф этилмоқда. У 1974 йилдан бери Жаҳон тинчлик кенгашининг аъзосидир, 1980 йилда эса Жаҳон тинчлик кенгаши президиумининг аъзоси қилиб сайланди.

Халқаро Ленин мукофоти янги лауреатлари орасида тўрт мамлакат вакиллари, ёши ва касби ҳар хил кишилар бор. Лекин уларнинг ҳаммасини халқларнинг тинч ҳаёти учун курашда актив қатнашишдан иборат катта азму қарор бирлаштириб туради. Шу кишиларнинг олижаноб фаолиятида уларга янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

(ТАСС).

ПРОЛЕТАРИАТНИНГ ТЕМИР БАТАЛЬОНЛАРИ

Бугун планетамизнинг ҳамма нуқталарида инсоният бахти учун энг изчил курашчилар — халқаро пролетариат 1 Май намойишларининг олдинги сафларида бормоқда. «Бизга, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — жазаваси тутиб кетганда ғайратга миниш онлари керак эмас. Бизга пролетариат темир батальонларининг бир маромда дадил қадам ташлаб, олға қараб бориши керак».

1 Май — меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик кунида жаҳон ишчилар синфи капитал дунёсини ларзага солиб, ўзининг оламни революцион тарзда ўзгартувчилик кучини кўрсатмоқда. Москва ва Рим, Прага ва Париж, Токио ва Деҳли, Вашингтон ва Ханой, Гавана ва Кобул, Луанда ва Аддис-Абеба кўчаларида, планетамизнинг бошқа катта-кичик шаҳарларида ўтаётган намойишлар, митинглар, йиғинлар бунинг ёрқин исботидир.

Жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатларининг мустаҳкамланаётган енгилмас иттифоқи халқлар хавфсизлиги ва планетамиз тинчлигининг асосий омили бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам реакциянинг барча қора кучлари, халқаро империализм худди ана шу иттифоққа кўз олайтирмоқда, социализмга қарши янги «салб юришлари» эълон қилмоқда, капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфининг метин сафларини бузишга интиляпти, ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларини неоколониализм тўрларига илинтироқчи бўляпти.

В. И. Ленин: капитал халқаро куч, унга қарши курашиш учун бутун дунё пролетарларининг бирлиги ва жипслиги керак, деб ўқитирган эди. Империализмнинг агрессивлиги кучайган, унинг жон талвасасида барча прогресив кучларга қаршиси иғвогарликлари авж олдирилаётган ҳозирги кунларда улуғ доҳийнинг сўзлари янада муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Империализмнинг барча кирдикорларини, унинг уруш сиёсатини изчиллик билан фош қилмоқ керак, милитаризм ва реваншизмнинг агрессив хатти-ҳаракатларига қатъий зарба бериш керак!

Жаҳонга — тинчлик! Бу йилги Май тантаналарининг бош шиори ушбу сўзлар бўлди. Халқаро ҳаёт империализмнинг айби билан ўта кескинлашган ҳозирги даврларда ҳамма халқлар ва мамлакатлар олдида тинчликни мустаҳкамлашдан ҳам асосий ва муҳимроқ вазифа йўқ. Чунки ҳозир XX аср геростратлари бутун жаҳонга ўт қўйиб юбориш пайида юрибди. Катта-кичик рейганлар фаолияти буни эслатиб турибди.

Осиё ва Европа, Африка ва Лотин Америкаси ядровий тўқнашув манзиллари эмас, тинчлик ва ҳамкорлик, хавфсизлик ва дўстлик қитъалари бўлиб қолиши лозим. Ер куррасидаги миллион-миллион софдил кишиларнинг талаби, истак ва орзуси мана шу!

Совет Иттифоқи, қардош социалистик давлатлар ана шу умуминсоний орзуларни рўёбга чиқариш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қилмоқдалар. Жумладан, социалистик Ватанимизнинг тинчликсевар ленинча тащқи сиёсати ана шу олижаноб мақсад йўлида ҳаракат қилмоқда. Бу иш ва истак КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида алоҳида қайд қилиб ўтилди.

Кўхна ва навқирон планетамиз ядровий ҳалокат харобаларига айланмаслиги керак. Келгуси авлодлар унинг зилол сувларидан, кўркам боғлари меваларидан баҳраманд бўлмоқлари лозим.

Талъат СОЛИЕВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БАЙРАМ АХБОРОТИ

ЧИРЧИҚ

САЛМОҚЛИ САМАРА

«Ўзбекхиммаш» заводи иссиқлик алмашувчи аппаратларни узелма-узел йиғиш цехида деталларни карбонат ангидрид гази муҳитида ярим автомат тарзда пайвандлайдиган агрегатлар ўрнатилди. Илгари бу иш қўлда бажарилар эди. Янгиликнинг самараси салмоқли бўлди — ярим автоматлар чирчиқлик машинасозларнинг ҳар йили салкам йигирма тонна камёб электродни ва 64 минг киловатт соатдан кўпроқ электр энергияни тежаб қолишларига имкон беради. Уч электр пайвандчи бошқа ишга ўтказилди, қолган ишчиларнинг меҳнат шароитлари яхшиланди. Бунинг устига ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг сифати ҳам ошди.

НАМАНГАН

ТЕХНИКА ХИЗМАТИ СТАНЦИЯСИ

Наманган областидаги Уйчи ва Учқўрғон районларининг чегарасида енгил автомобилларга техника хизмати кўрсатадиган станция очилди. Бу станция ойига 600 та автомашинага хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, барча турдаги ремонтни бажариш, узеллар пухталиги ва сифатини текшириш, уларни чиниқтириш учун барча зарур машина-ускуналарга эга. 35 ремонтчининг ҳаммаси мамлакат автомобиль заводларида практикадан ўтди. Корхона ҳузурида машиналар ва мотоцикллар учун эҳтиёт қисмлар магазини ҳам очилган.

АНДИЖОН

СТУДЕНТЛАР ДЕНДРОПАРКИ

Андижон педагогика институтининг студентлари ва ўқитувчилари янги ўқув корпуслари олдидаги территорияни ҳақиқий дендропаркка айлантирдилар. Бу ерда эман, каштан, оқ терак, мажнунтол, Қрим қарағайи, туя, биота (арча тури), наъматак ва бошқа кўпгина манзарали дарахт ҳамда буталар ўтқазилган бўлиб, улар яхши тутиб кетди. Эндиликда қўшни «Москва» совхози институтга адир ерлардаги ўттиз гектари майдонни ажратиб берди, бу ерда мевазор барпо этилади.

ТОШКЕНТ

ЎЙИНЧОҚЛАР УЧУН РАҲМАТ

Тошкентдаги «Средазэлектроаппарат» бирлашмасига қарашли «Реле ва автоматика» заводига Украинадаги Черноситевск шаҳрида яшовчи бир группа болалардан келган хат «Ҳамма ўйинчоқлар учун раҳмат!» деган сўзлар билан бошланади. Болалар корхона ишлаб чиқараётган ўйинчоқ чой сервизидан қойил қолишади. Заводнинг халқ истеъмол моллари цехи ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни йил сайин кўпайтириб, уларнинг хилларини муттасил янгилаб туради. Бу йилги янгиликлар орасида аэропланларнинг макетлари, ўйинчоқ чаналар, балиқчалар бор.

МАЙ ОБ-ҲАВОСИ

Ёз мавсумига ўтиш ойида ҳарорат апрелдагига қараганда 6—8 даража юқори бўлиши кутилади. Ёғингарчилик эса деярли икки баробар камроқ бўлади. Биринчи ўн кунликда ҳавонинг авзойи беқарор бўлиб туради. Қолган кунлари ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳарорат кечалари 7—12, кундузлари 21—26 даража атрофида бўлади. Ёмғир ёғган кунлари ҳарорат 16—20 даражадан ошмайди. Иккинчи ўн кунликда эса, ёғингарчилик бирмунча камаяди. Ҳарорат кечалари 11—16, кундузлари 24—29, жанубий районларда 32 даражагача кўтарилади. Учинчи ўн кунликдан бошлаб ҳароратнинг кескин кўтарилиши кутилмоқда. Ой охирида кечалари 17—22, жанубий районларда 23—24, кундузлари 34—39 даражагача иссиқ бўлади. Айрим кунлари қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Умуман май ойида ўртача ҳарорат нормага яқин бўлади.

«ШУМАНАЙ» РЕСТОРАНИ

Шуманай райони марказида район матлубот кооперацияси қошидаги қурилиш участкаси қурувчилари 100 ўринли «Шуманай» ресторани қурилишини битказиб, фойдаланишга топширдилар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ қуйидаги мутахассисликлар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар (фан доктори ёки кандидатлари): умумий тарих (ҳозирги шарқ мамлакатларида хотин-қизлар ҳаракати, эрон тарихи), историография ва манбашунослик:

кичик илмий ходимлар: умумий тарих (Ҳиндистон тарихи), историография ва манбашунослик.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адрес бўйича юборилсин: 700170, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 81-уй, конкурс комиссияси: телефон 62-42-56.

●

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 1 май соат 14.00 да Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист МАЛИКА АҲМЕДОВА иштирокида

КОНЦЕРТ

Концертда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. ҲИДОЯТОВА; артистлар Г. ЗОКИРОВА, А. БОЗОРОВ, П. МУСТАФОЕВ, Ҳ. ТОИРОВлар қатнашадилар.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ ЁЗГИ ТЕАТРИДА

Ҳар куни соат 18.30 да, 1, 2, 9 май кунлари соат 12.00 да, 15.00 да, 18.30 да НАМАНГАН ОВЛАСТЬ ГОГОЛЬ НОМЛИ ШАҲАР МАДАНИЯТ ЎЙИНИНГ Икромжон ҚАЮМОВ раҳбарлигидаги дорбозлари

КАТТА ДОР ЎЙИНЛАРИ

ПРОГРАММАДА: ёғоч оёқ ўйинлари, иллюзия ва ўзбек паҳлавони Икромжон ҚАЮМОВнинг чиқиши: машина кўтариш, машинани тиш билан тортиш, оғир тош кўтариш ўйинлари.

●

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/V да Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Малика Аҳмедова концерти (14.00), Байрам концерти (19.00), 2/V да Байрам концерти (19.00), 3/V да Концерт.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/V да Келинлар кўзғолони (13.00), Рўё (19.30), 2/V да Рўё (12.00), Олтин девор (19.30), 3/Vда Юрак операцияси.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 1, 2/V да Катта байрам томошалари (11, 14, 17.00).

СПОРТ

ЧАВАНДОЗЛИК:

ҚИЗ ҚУВИБ, ОТ ЎЙНАТИБ

Май байрами кунлари Тошкент отчопарининг ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлиши кутилмоқда. Бу ерда анъанавий чавандозлик сайили ўтказилади. Чунончи, 9 май куни чавандозлик ишқибозлари республикамиз моҳир суворийларининг чиқишларини томоша қилишлари мумкин. Чавандозлар пойга, от йўрттириш, отда чавгон ўйнаш ҳамда «қиз қувмоқ» ўйинларини намойиш этадилар. Республика чавандозлик олий маҳорати мактаби талабалари мусобақага пухта ҳозирлик кўришган. Таниқли чавандоз Мамажон Исмоилов, халқаро классдаги спорт мастери Валерий Дворянинов, пойга устаси Николай Левадниймлар ўз аргумоқларини сайилга ҳозирлаб турибдилар. Чавандозлар «1 Май» совғини учун пойгада иштирок этадилар. «Халқлар дўстлиги» совғини учун от йўрттириш баҳслари бўлади. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети совғини учун тўсиқлардан ошиш мусобақаси ўтказилади. Чавандозлик сайилининг мароқли ва мазмунли бўлиши кўзда тутилган.

ЯНГИ БАЗАЛАР:

АЙЕМ АРАФАСИДА

Андижон районида 40 мингга яқин киши спортнинг оммавий турлари билан шуғулланади. Улар орасида икки спорт мастери, 22 мастерликка номзод, 63 биринчи разрядли ва минглаб оммавий разрядли спортчилар бор. Бу ерда 14 минг ГТО нишондори тайёрланган.

Май байрами арафасида район ёшлари ажойиб совға олдилар. Бунёд этилган замонавий спорт комплекси фойдаланишга топширилди. Андижон пахтачилик институти базасида қурилган мазкур комплекс футбол, волейбол, баскетбол майдончаларига эга. Қўл тўпи, чим хоккей, теннис билан шуғулланиш учун шароитлар яратилган. Спорт комплекси 5 мингдан зиёд томошабинга мўлжалланган. Янги базада область ўқувчиларининг спартакиадаси программаси бўйича мусобақалар ўтказилди. Мусобақа кучлиларни саралаш баҳсига айланди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Байрам либосида бутун теварак,
Баҳорий май тутар Май косалари.
Баҳор боғларига ярашар бешак
«Баҳор»нинг гулрухсор раққосалари.

А. Тўраев фотоэтюди.

БАХТ

ҲИКОЯ

ОЧИЛБЕК ҚАНЧА мамлакатлар, йўлларни дарбадар кезиб, бахтини тополмагани, афсонавий оролларда бойимагани, қишлоғидан қандай чиқиб кетган бўлса шундай қайтиб келаётгани эскирган чарм камзулидан, тор пешанасидаги ажинлари чаккаларида бемаврид оқариб турган сочларидан билиниб турарди.

Очилбек одамлар қуршовида Чўлиободнинг кекса фирқаси, донишманди Иброҳимжон отаникига бориб қолганини сезмади. Чилангар одамшунос бўлиб, чўлиободликлар унинг райига қараб кишилар билан муомала қилишарди. Ота ҳурмат қилган одам бутун қишлоққа азиз, у ёқтирмаган одамга бошқалар ҳам лоқайд. Бу қишлоқнинг ҳеч жойда битилмаган қонуни шу.

— Очилмисан? — Отахон йигитнинг афтангорига тикилди. — Кўрган кечирганларингдан гапир-чи?!

Очил нафасини ростлаб, сукут сақлади. Қулоқчинини олиб, сочи ўсиқ кичик бошини қашиди.

— Эҳ-ҳ, биродарларим. Кўрган-билганларим, бошдан кечирганларимни қайси бирини сўйлай Сизларга! — Унинг ўпкаси тўлиб, ичидан «тутун» чиқди. Кўзлари туманлашди. Тинглочилардан айримларининг унга раҳми келди, айримларининг ҳаваси. — Тундра ўрмонларини айтайми. Океанлардаги айсбергларними? Шри Ланка чойзорлари, Тож-Маҳалними? Амазонка чангалзорлари-ю Ниагара шар-шарасиними? Ёки дунёда энг сулув япон маликаларини таърифлайми?

— Уйландингми? — Унинг сўзини бўлди Иброҳимжон ота. — Ё шу чоққача сўққабош юрибсанми, «маликаларни таърифлаб»?

Очил пиёладаги чойни ҳўплаб, лабларини артди. Чуқур тин олди:

— Мен Канада портида...

— Э, тўхта! — Иброҳим ота қараса, Очилнинг ҳикояларидан бирон маъни чиқмайдиган, беҳудага одамларнинг вақтини оладиган. — Сен шўрлик умрингдан ҳам азизроқ, каттароқ нарсани йўқотганга ўхшайсан. Ўзинг ҳам, ишларинг ҳам, лафзинг ҳам пуч.

— Мен... Мен, — деб Очил ҳикоясини давом эттирмоққа чоғланди. Ҳамма унинг оғзини пойлади. Лекин отахон унинг сазасини синдирди:

— Мусофир ўзга юртда шоҳ бўлса ҳам елкаси қисиқ, деган гап бор. Ўз уйинг — ўлан тўшагинг. Чанга, юмушларга кўмилиб ётган қишлоққа қайтиб, қадрдонларингни кўришинг билан чеҳранг очилиб, юзларингга қон югурди. Илдизсиз экин ҳам йўқ, ҳосили ҳам.

— Ҳа, — Очилнинг аъзои-бадани қалтираб кетди. — Мен шону шуҳратсиз, зарсиз қайтиб келдим. Умр бўйи қидирган нарсамни шу ердан топадигандайман.

ОЧИҚ КЎНГИЛ, СОДДА ва мағрур Очилнинг маъюс чеҳраси, аҳволи-руҳиясига қараб, ачинган, кўнгли юмшоқ аёлларнинг кўзлари намланиб, гапни чалғитмоқчи бўлишди.

— Япон сулувларини айтаётувдингиз?!

— Япон маликалари — завқсиз, истар-истамас ҳикоя қила бошлади Очил, — дунёда энг назокатли, нозу ишвагар саналади.

Унинг лоқайдлигини сезган Иброҳимжон ота яна шафқатсизлик билан гапни бўлди:

— Ўз юртидаги маликаларнинг кўнглини овлаёлмаган кимса, бегона юртда кимни алқай оларди? Сен умрингни елларга совургансан, десам, йўқ, ундан ҳам муҳимроқ нарсалардан жудо бўлганга ўхшайсан!

— Инсонга бир мартагина бериладиган умрдан ҳам муҳимроқ нарса нима экан?! — Очилнинг боши қотиб, маъюс, ғамгин кўзлари отахонга ҳайратланиб тикилди.

— Эл-юрт, юрт хотираси!.. Ҳали волидангни ҳам унутгандирсан? — деди муросани унутган отахон. — «Япон маликалари!»... Сенда эл-юртдан нишон қолмабди-ку!

Очилнинг нафаси ичига тушиб кетди. Уммонларнинг шамоллари қорайтирган юзларида аянчли нимтабассум пайдо бўлиб, кўзларининг қорачиғида шам шуъласидек ожиз нур милтиллади:

— Қолган, соғинч нишони қолган! — деди у бўғилиб кетаётгандек ёқа тугмаларини ечиб. Икки бармоғини ёқасига суқиб, уч барчакли туморни ипидан тортиб чиқарди. — Ҳамма нарсани йўқотсам ҳам, буни бўйнимга осиб, юрагимнинг устида асраб қолдим ёки юрагимни бу асради.

Ҳамма оддий читдан тикилган мўъжазгина туморчага, бир чимдим тупроқ, ўзбек ерида ўсган бир чигит, бир тола пахта солинган туморга термилди, термилди-ю кўп нарсаларни англашди: чаноқнинг бир чигити бир одамга тўғдай таянч бўлган бўлса, ўзбек тупроғида унаётган миллиард-миллиард чаноқлар бутун ер курраси тақдирига пайваста бўлиб кетган экан-да. Бу туморга бутун бир юрт жо бўлган экан-да. Шу сукутда Иброҳим ота ҳаяжонланиб ўрнидан турди:

— Ё, раббий! Кечир мени. Мен дунёга келиб шу пайтгача эшитган хотиралар ичида энг антиқаси, воқеаларнинг энг бамаъниси шу бўлди, бўтам! Қани, — отахон қишлоқдошларига буюрди, — бугун Чўлиободда байрам. Оғилдан қўчқорнинг энг юқдорини танлаб чиқинглар. — Кейин Очилни бағрига босди. — Садаганг кетай, бўтам, қишлоғингга хуш келибсан! Бахтинг очилгани шу.

Самар НУРОВ.

СИРЛИ СУҲБАТ

ҲАЖВИЯ

— Базами?

— Ҳа...

— Менга Муҳаммад бухгалтер керак эди.

— Бирор ишингиз бормиди?

— Бўлмаса, телефон қилармидим?

— У киши ҳозир банд эдилар...

— Жуда ҳам зарур эди-да.

— Уларни ким бўладилар?

— Қурбон аканинг яқин танишлари бўламан.

— Қодиров Қурбонними? Ундай бўлса бир оз кутасиз, ақл пешлашяпти.

— Нима бало кеча ойначилик қилишганмиди?

— И-е, хабарингиз йўқми, кеча мудир акахонимиз набиралик бўлган эдилар.

— Илтимос, чақириб юборсангиз...

— Ўн минутлардан сўнг кўнғироқ қилинг, омборхонага боришим икки минут, қайтишим икки минут вақт талаб қилади.

Телефонни илиб қўйган Абдусалом Абдукамолов кўлидаги қоғозларни яна бир бор кўздан кечирди. Одамларнинг исм-шарифларини солиштирди. Шу пайт телефони жиринглаб қолди.

— Эшитаман, ким? Капитан. Ҳа, Рустам Бакирович, ярим соатлардан кейин гаплашайлик. Мен кечаги иш билан банд эдим. Кўнғироқ қилишим керак. Бошлиққа дейсизми, бўпти, кириб, албатта, учрашаман.

Орадан ўн минут ўтди.

— Қалай чақирдингизми?

— Кимни?

— Муҳаммадни-да.

— Ўзим, эшитаман.

— Менга қаранг, Қурбон акангиз сизга мен ҳақимда ҳеч нарса демаганмидилар?

— Нима дейишлари керак эди?

— Танишлигимни. Кеча учрашганимизда ревизор Розиқ Рамазоновнинг телефон номерини ёзиб бераман деб ёдларидан кўтарилибди. Айтиб бера олмайсизми? Жуда шошиб турибман, ана такси кутяпти...

— Таксини куттириб бўлмайди. Пулни шилади, дўстим. 15—221, ёзиб олинг.

Телефон трубкасидан ғиқ-ғиқ товуш эшитилди. Муҳаммаднинг юрагига ғулғула тушди. «Тўхта, бу ким бўлди? Уни суриштирмай-нетмай валламатнинг телефон номерларини кимгадир бериб юборсам...» Дарҳол қўлини телефонга чўзди, номерларни териб бироз кутди;

— Ким, Қурбон ака, сизми? Кечирасиз. Кимдир биров ревизоримизнинг телефон номерини сўраган эди, айтиб юбордим.

— Дард қилдим. Мен-ку ўтган куни қўлга тушувдим. Яна ўша одам бўлмасин. Расво қилибсан, ука. Эзнингга айтган эдим-ку. Келиб-келиб ўша юборган нарсаларни сенга ҳам олиб борувди дебман, телефон номерингни нотўғри териб, милиция бўлимига тушиб қолган эканман. Ана энди бу ёғи расво бўлибди-да.

Телефон жиринглайди:

— Эшитаман.

— Қурбон Қодировмисиз? Мен Абдусаломман, ҳа, милиция бўлимидан. Эрталаб соат тўққизда кабинетимда кутаман.

Эртасига магазин мудири Қурбон Қодиров, база бухгалтери Муҳаммад Ҳомидов, ревизор Розиқ Рамазоновлар жиноий ишлар қидирув бўлимининг бошлиғи Абдусалом Абдукамолов ҳузурида ер остидан бир-бирларига сирли боқиб, қизаришган ҳолда ўтиришарди.

Тожибой УНАБОЕВ.

БАХТЛИ НОМЕРЛАР

30 апрель куни бўлиб ўтган «Спортлото» 18-тиражининг натижалари:

«49 дан 6»: 6, 14, 25, 39, 45, 47.

«36 дан 5»: 19, 27, 28, 31, 35.

(ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти коллективи лаборатория бошлиғи О. А. Абророва акаси

Анвар АБРОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги 1929 йилдан КПСС аъзоси, республика миқёсидаги шахсий пенсионер

Фотима ХУЖАЕВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

1 МАЙ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 10.15 — Тинчлик, Меҳнат, Май. 10.45 — Қувноқ нотачалар. 11.45 — Ҳужжатли фильм. 12.15 — Концерт. 12.45 — Москва. Қизил Майдон. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган кўрсатув. 15.00 — Совет тупроғидаги учрашувлар. 15.15 — Будённовка. 16.25 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал учрашувлари. 18.25 — Мультфильмлар. 19.00 — Концерт. 21.20 — Время. 22.00 — 1 Майнинг байрам қилиниши тўғрисида репортаж. 22.30 — Муз устида фантазия.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 10.15 — Концерт. 10.45 — Адабий ўқиш. 11.15 — Илмий-оммабоп фильм. 11.45 — Дўстларимиз премьералари. 12.35 — Байрам композицияси. 12.45 — Москва. Қизил Майдон. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган кўрсатув. 15.00 — Қалб хотираси. Фильм-спектакль. 17.10 — Концерт. 17.40 — Мультфильмлар. 18.10 — Театр афишаси олдида. 19.10 Мўъжизасиз-мўъжизалар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ҳужжатли фильмлар.

ТОШКЕНТ-I. 9.50 — Тошкент. В. И. Ленин номли майдон. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган кўрсатув. 12.45 — Москва. Қизил Майдон. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни 1 Майга бағишланган кўрсатув. 17.45 — Мультипанорама. 18.30 — Май бошланди. 19.10 — Цирк. 19.50 — Ахборот. 20.30 — Май базми. 21.30— 1 Майнинг байрам қилиниши тўғрисида репортаж. 22.30 — Май базми.

2 МАЙ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Янгиликлар. 9.20 — Концерт. 10.10 — Ҳужжатли фильм. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Мультфильмлар. 12.45 — Тонгги почта. 13.15 — Қишлоқ янгиликлари. 14.15 — Мусиқали киоск. 14.45 — Ҳужжатли фильм. 15.40 — Саёҳатчилар клуби. 16.40 — Кураш ва меҳнат поэзияси. 17.05 — Даврани кенг олинг. 18.35 — Сирли гиппопотам. Фильм-спектакль. 19.40 — Биринчи май байрамининг чет эл меҳмонлари. 19.55 — Жавоҳир қўл (кинокомедия). 21.30 — Время. 22.05 — Футбол. ЦСКА — Торпедо (М). 22.50 — Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал учрашуви.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг. 9.20 — Бой келин (Бадиий фильм). 10.55 — Духовой оркестр янграйди. 11.40 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.45 — Асли болаликдан. 13.25 — Концерт. 14.15 — Қувноқ стартлар. 15.00 — Кўршапалак (Бадиий фильм, 1-ва 2-сериялар). 17.15 — Мультфильмлар. 17.55 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 18.25 — Ер жозибаси. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ҳужжатли фильмлар. 21.30 — Время. 22.05 — Сентименталь роман. (Бадиий фильм).

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Фильм-концерт. 11.00 — Операция «Ы» ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари. (Кинокомедия). 12.10 — Концерт. 12.40 — А. Райкин иштирокида фильм-концерт. 18.00 — Мультфильм. 18.10 — Санъат байрами. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Май тароналари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Май тароналари (давоми). 21.30 — «Время». 22.05 — Ишдаги ишқ. (Бадиий фильм, 1-серия).

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 19.20 — Музикали фильм. 20.10 Йўли (Бадиий фильм). 21.30— Москва-II.

«Радио»

1 МАЙ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 6.30 — Май тонги. Концерт. 7.15— Чақириқлар, маршлар. 8.30— Май нашидаси. Концерт. 9.15 — Чақириқлар, маршлар. 9.45 — Тошкент. В. И. Ленин номли майдон. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган эшиттириш. 12.00 — Концерт. 12.50 — Москва. Қизил майдон. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган эшиттириш. 15.15 — Концерт. 16.20 — Байрам мушоираси. 16.45 — Ҳамма ерда байрам. 18.15 — Ёшлик. 19.20 — Бахт ва тинчлик қўшиғи. 20.15 — Санъат усталарининг концерти. 20.40 —Жаҳон шоирлари тинчлик ҳақида. 21.00 — Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрами ҳақида репортаж. 21.20 — Байрам концерти. 22.45 — Даврани кенг олинг. Музикали дам олиш программаси. 24.00 — Хайрли тун.

2 МАЙ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 6.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.15 — Табассум. 12.10 —Концерт. 13.00 — Чорвадор. 13.30 Концерт. 14.00 — Деҳқон баҳори. 15.30 — Баҳор табассуми. 16.00 — Музикали салом. 17.00 — Тинчлик ва ҳамкорлик. 17.20 — Музикали учрашувлар. 18.15 — Ёшлик. 19.25 — Экран музикаси. 21.00 — Қишлоқ оқшомлари. 22.30 — Концерт.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16. 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. 01946. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 100. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15